

*XIII Xalqaro konferensiya*  
*XIII Международная конференция*  
*XIII International Conference*

**FAN, TAʼIM, MADANIYAT VA BIZNESDA  
INTERNET VA AXBOROT-KUTUBXONA  
RESURSLARI**

**ИНТЕРНЕТ И ИНФОРМАЦИОННО-  
БИБЛИОТЕЧНЫЕ РЕСУРСЫ В НАУКЕ,  
ОБРАЗОВАНИИ, КУЛЬТУРЕ И БИЗНЕСЕ**

**INTERNET, INFORMATION AND LIBRARY  
RESOURCES IN SCIENCE, EDUCATION,  
CULTURE AND BUSINESS**

*Central Asia – 2019*  
*24 – 26-April, Апрель, April*

*Konferensiya materiallari*  
*Материалы конференции*  
*Conference Proceedings*

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент – 2019

UO•K: 004.78:025.4.036 (100)

КБК: 78.30(0)

F 24

**«Fan, ta`lim, madaniyat va biznesda Internet va axborot-kutubxona resurslari», Xalqaro konferensiya materiallari «Central Asia – 2019, Urganch).**

«Fan, ta`lim, madaniyat va biznesda internet va axborot-kutubxona resurslari», xalqaro konferensiya materiallari «Centarl Asia – 2019», Xorazm, 24–26 aprel, 2019 [Matn] = Информационно-библиотечные ресурсы в науке, образовании, культуре и бизнесе = Internet, information and library resources in science, education, culture and business / тузувчилар: А. Қиличбоев; М. Комилова; мухаррир: У. Тешабоева, Ф. Рўзиева, А. Жўраев. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2019. – 368 б.

### **ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

Маданият вазирлиги

Фанлар академияси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Касб-хунар таълими маркази

Халқ таълими вазирлиги

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

«Ўзархив» агентлиги

Хоразм вилоят ҳокимлиги

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

### **АХБОРОТ КЎМАГИ:**

INFOLIB – ахборот-кутубхона журнали

KutubxonaUZ журнали

Веб-сайт: [www.natlib.uz](http://www.natlib.uz)

ISBN 978-9943-06-631-1

© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2019 й.

## ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШИНИ ОЛИБ БОРИШДА АМАЛИЙ ИШЛАНМАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УЛАРНИ КУТУБХОНАЛАРДА САҚЛАШ МАСАЛАСИ

*Абжалова Манзура,*

*Навоий давлат кончилик институти*

*Ахборот-ресурс маркази Илмий-услубий бўлим мудири*

*This article discusses the importance of research into practical development and innovative models in research, it is proposed to store them in the National Library of Uzbekistan so that researchers are given the opportunity to develop more effective development options as a basis for studying practical development.*

Илмий тадқиқот олиб бориш муайян соҳа бўйича кенг қамровли меҳнат, чуқур изланиш ва илмий лаёқатни ошириш талаб қилинадиган ижодий фаолиятдир. Шунингдек, мураккаб, серқирра ва зиддиятли кечадиган жараён ҳисоблангани боис бугунги кунда илмий тадқиқот ишларига кенг имкониятлар яратилмоқда. Ҳозирги глобаллашув даврида соҳалар кесимида замонавий ахборот-коммуникацион технологиялари билан ишлаш кўникмасига эга етук мутахассислар сафини кенгайтириш устувор вазифа саналади. Шу боис илмий изланишлар йўлига кирган тадқиқотчига замон талабига мос равишда илмий манбалар ва амалий ишланмаларни ўрганиш имкониятларини яратиш давр талаби ҳисобланади.

Илмий тадқиқотчи фан ва техниканинг муайян соҳаси ёки йўналишига оид илмий муаммолар ечими устида тадқиқотларни амалга ошираётган шахс ҳисобланади. Тадқиқотчи муайян мавзу юзасидан изланиш олиб бориш аввалида мавзунинг ўрганилганлик даражаси билан танишади. Кутубхона, ахборот-ресурс марказларига ташриф буюради, босма ва электрон илмий манбалар билан танишади. Дастурий системалар намуналари, турли объектлар моделлари, инновацион ғоялар модели, амалий тадқиқот намуналари билан танишиш, объектнинг функционал вазифаларини синчковлик билан текшириш натижасида тадқиқотчининг бошлаётган ишига нисба-

тан тушунча камрови кенгайди. Шундай жараёндан сўнг тадқиқотчи тадқиқ мақсади, унинг объекти, предмети ва вазифаларини қатъий белгилаб олади.

Илмий тадқиқот жараёнида тадқиқотчи объектга фаол, изчил таъсир кўрсатади. Бу таъсир натижасида инсон ўзини қуршаб турган муҳитни ўзгартиради, шу пайтгача кўрилмаган, ўрганилмаган янгиликни яратади ёки кашф этади. Шу маънода илмий фаолият кишилик жамияти мавжудлигининг зарурий шарти сифатида дунёни ўзгартиришга қаратилган инсон хатти-ҳаракатини намоён этади [1].

Ҳозирда кўплаб олимлар илм-фаннинг назарий ва амалий масалаларини илмий асосда тадқиқ этмоқдалар. Албатта, назарий ғояларни амалиёт билан уйғунлаштириш, кашфиётлар яратиш ва ихтиролар қилишда буюк олимлар тажрибасидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шундай соҳалар борки, кўп ўқиб изланиш билан бирга амалий ишланма ва яратилган моделларни ўрганиб, илмий назариялар ва хулосалар чиқарилади, янги ғоялар юзага келади. Демак, илм-фанда, техника оламида амалга оширилаётган амалий ишланмалар, инновацион моделлар тараққиётнинг илгарилашига таъсир қилувчи воситалар, деса бўлади. Бугунги кунда илмий изланишларнинг амалий натижалари юзага келяптики, бу жиҳат тадқиқотчига мавжуд тажрибаларни тўплаш ва яхлит тасаввурни беришга хизмат қилади. Илмий билишда кўпинча моделлаштириш усули қўлланилади, модель яратилади. Бунинг моҳияти тадқиқот объекти (асли) ни унинг асосий хоссаларини ифодаловчи сунъий система (модель) билан алмаштиришдан иборатдир [2]. Шунингдек, модель муайян ҳодиса ҳақидаги билимларни объектив ифодалаш воситаси бўлганлиги боис ҳодисаларни моделлаштириш илмий изланишда энг самарали усул ҳисобланади.

Тадқиқотчига муайян соҳа доирасида объект ёки моделни ўрганиб, унинг янгича кўриниши ёхуд қўшимча функцияларга эга нусхасини яратишига замин бўлиши учун тадқиқотлар натижасида яратилган моделлар, амалий ишланмалар, дастурий таъминотлар, инновацион лойиҳалар моделларини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Амалий ишланмалар» бўлимини ташкил этиб, махсус руҳсатномалар орқали ўрганиш имкониятини

яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси (ЎМК) илғор ахборот-компьютер технологиялари билан жиҳозланган, энг аввало, республика ёшларининг интеллектуал ва маданий эҳтиёжларини максимал даражада қондириш учун миллий ва хорижий ахборот-кутубхона фондларидан кенг фойдаланиш имконини берадиган, замонавий мутлақо янги, энг юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган [3] умумдавлат универсал ахборот-кутубхона муассасаси ҳисобланади [4].

Иккинчидан, Ягона автоматлаштирилган ахборот-кутубхона хизмат кўрсатиш тизимида (<http://armat.edu.uz>) барча турдаги тўлиқ матнли электрон ресурслар билан бирга амалий ишланмалар ва моделларнинг библиографик тавсиф майдони берилса, исталган ҳудуддан республикада ва қисман жаҳон миқёсида амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижаларининг Ўзбекистон Миллий кутубхонаси «Амалий ишланмалар» бўлимида мавжуд рўйхати билан танишиш имконини яратади. Шундан сўнг тадқиқотчи ёхуд инновацион лойиҳаларни яратишга интилувчи ёшларнинг объектларни ўрганиш учун мақсадли ташрифи омалга оширилади, уларнинг эҳтиёжи қондирилади.

Учинчидан, ахборот-кутубхона фондини шакллантириш, фойдаланувчиларга миллий ва хорижий нашрларнинг энг тўлиқ тўпламини тақдим этиш баробарида, моддий объектларнинг бут сақланишини таъминлайди ҳамда жаҳон талабига мос хизмат кўрсатади.

Тўртинчидан, ЎМК Ўзбекистон Республикасида чиқариладиган нашрларнинг мажбурий нусхасини, шунингдек, диссертацияларнинг кўчирма нусхасини олади. Бу эса муайян диссертация билан танишиш жараёнига ҳамоҳанг равишда унинг амалий ишланмаси ҳисобланмиш объект ёки моделини ҳам «Амалий ишланмалар» бўлимига ташриф буюриб ўрганишга замин яратади. Бунинг учун, албатта, давлат рўйхатидан ўтказилган интеллектуал мулк объектларини сақлаш тартиби ва уларнинг тузилиши ҳамда функцияларини ўрганишга мос равишда қоидалар ишлаб чиқилиши талаб этилади.

Ҳеч бир соҳа истиқболини илм-фан ютуқларисиз тасаввур этиш қийин. Ҳозирда олим ва мутахассисларимизнинг илмий ишланма-

лари деярли барча тармоқларни ўз ичига камраб олмакда. Қаерда инновацион ишланмалар ҳаётга изчил татбиқ этилса, ўша жойда ўсиш бўлади. Бу – ҳозирги жадал ривожланиш даврида, айниқса, жуда долзарб масала [5]. Зеро, илм-фан ривожини ва ёшлар фаоллигини оширишга қаратилган сиёсатдан кўзланган мақсад илмий ва технологик паркларни қўллаб-қувватлаш, корхоналарни инновацион бошқариш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси, ушбу йўналишда ёшлар иштирокини кенгайтириш ҳамда кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш ҳисобланади.

Маҳаллий илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни жадал жорий этишни таъминлаш, мамлакат иқтисодий-ётининг рақобатбардошлигини кучайтиришда илм-фан ҳиссасини ошириш, шунингдек, илмий ва илмий-техникавий фаолиятнинг истиқболли маҳаллий ютуқларини илгари суриш йўлида амалий ишланмаларни ўрганиш ва уларнинг янада самарадор усулларини яратиш механизмларини ишлаб чиқиш, янги моделни татбиқ этиш мақсадли ҳаракатлардан ҳисобланади. Зеро, назарий билиш ва амалий ўрганиш натижасида талабга мос, фан ва технология ривожига ҳисса қўшадиган, илмий янгиликка эга илмий тадқиқот иши юзага келади.

#### *Фойдаланилган адабиётлар:*

1. Шермухамедова Н. Илмий тадқиқот методологияси. – Тошкент, 2014. – Б. 3.
2. Рахматов А., Юнусов Р. Илмий тадқиқот асослари. – Тошкент, ТИМИ. 2008. – Б. 8.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 20 мартдаги ПҚ-1729-сон Қарори
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида» 2011 йил 13 апрелдаги ЎРҚ-280-сон Қонуни, 10-модда, 1-банд.
5. Улуғмуродов Д. Инновацион ишланмалар — таракқиёт хизматида // <http://old.xs.uz/index.php/homepage/i-tisodijot/item/5034>